




ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
MILLIY KUTUBXONA PALATASI

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 72 (9.110)

1998 йил

22 июнь, душанба

Сотувда эркин нархда

Тадбиркорлик

«ТЕХНОМАРКЕТ» ИЗЛАНИШЛАРИ

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида олиб борилаётган илмий изланишлар бевосита ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлмоқда. Тошкент Давлат иқтисодий университетиде фаолият кўрсатаётган «Техномаркет» бизнес-инкубаторининг бу борада олиб бораётган техник ижодкорлиги ҳам катта иқтисодий фойда бермоқда.

Бизнес-инкубатор кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш масалалари билан шуғулланиб, консалтинг хизмати кўрсатишга ҳам киришди. Унинг ташаббуси билан тўртта ташқи ва икки ички субъектга 25 миллион сўм миқдорда консалтинг хизмати кўрсатилди. Бунинг натижасида 50 та ишчи ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасига тайёрлаб берилган лойиҳалар ҳам тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Халқаро СО-РОС жамғармасининг грантини олиш учун бизнес-лояиха устида иш олиб борилди. Солиқ олишда, бухгалтерлик ҳисобида янги йўналишлар бўйича уюштирилган анжуманда шахримизнинг Мирзо Улуғбек, Чилонзор туманлари солиқ назорати идоралари ходимлари кўп маълумотларга эга бўлди.

Бизнес-инкубатор янги ўқув қўланмаларини яратиш билан ҳам шуғулланмоқда, — дейди университет ректорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Д. Аҳмедов. — Яқинда чоп қилинган «Маркетинг — бошқариш йўриқномаси» деган ўқув қўланмаси кичик ва хусусий фирмалар ва корхоналар ходимлари учун зарур адабиёт бўлиб қолди. Бундан ташқари «Франчайзинг — тадбиркорликнинг янги шакли», «Бизнес-инкубатор бозор иқтисодиёти институти сифатида» деб номланган ишланмалар ҳам «Техномаркет»нинг ютуғи бўлди.

Бизнес-инкубатор ходимлари билим ва малакаларини ошириш йўлида тадбиркорлик билан иш юритишмоқда. Истеъдодли ходим А. Собиров яқинда Италия ва Польшада ўз мутахассислиги бўйича махсус ўқув машғулотларига қатнашди. Ўзининг кейинги бир йиллик фаолияти давомида «Техномаркет» бизнес-инкубатори бажарган ишлари учун бир миллион сўмлик маблағга эга бўлди.

Ақбар АЛИЕВ.



Саноат

ИШ КЎЗИНИ БИЛГАНЛАР



Халқимизда «Иш билганга минг танга» деган ажойиб нақл бор. Чиндан ҳам бугунги бозор иқтисодиёти шароитида иш кўзини билган, ўзи бошлаган ишининг истикболига ишонган тадбиркорлар мамлакатимиз равақига муносиб улуш қўшишмоқда.

Пойтахтимизнинг Бектемир ва Миробод туманлари аҳолисини иссиқ ва сифатли турли-туман нон маҳсулотлари билан таъминлаётган «Кўйлик ота нон» кичик корхонаси ҳам утган қисқа вақт ичида ўз харидорларига эга бўлди. Бугунги кунда «Кўйлик» бозори рўparasига жойлашган корхонанинг нон дўконидан эртдан кечгача харидорлар қадами аримайди.

1996 йили охирида ташкил топган кичик корхона шў яқин атрофда жойлашган 50 нафардан ортқ кишини иш билан таъминлади. Тўғри, бугун шаҳримизда нон ишлаб чиқарувчи кичик ва хусусий корхоналар сифи кенгайиб бормоқда. «Кўйлик ота нон» кичик корхонаси эса нафақат уларнинг сонини орттирди, балки сифат ва турига ҳам алоҳида аҳамият қаратмоқда.

— Нон — riz-рўзимиз, дастурхонимиз кўрки, — дейди корхона директори Бахорид Эргашев. — Маввуд 2 та замонавий технология билан жиҳозланган цехимизда ноннинг азиялигини билган ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Бир йилдан ортқ фаолиятимиз давомида ишлаб чиқариш маҳсулотимизнинг сифати ҳақида бирорта эътироз эшитмадик. Бу, албатта, жамоамиз аҳлининг ўз касбини мукаммал эгаллаганига ҳамда азиз неъмат — нонга бўлган ҳурмати баландлигидир.

Корхонада кунига 10 тоннадан ортқ нон маҳсулотлари тайёрланади. Аввалига 5-6 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, бугун улар 30 хилдан ҳам ошииб кетди. Айниқса, Ойла йилда ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган «Самарқанд», «Пахлавон», «Жўҳори» деб номланган нонлар дастурхон файзи бўлмоқда. Яқинда эса ишлаб чиқаришга жорий этилган йодли нон маҳсулотлари ўзининг шифобахшилиги билан харидорлар эътиборини қозонди.

Шарифа ИСАЕВА.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодий • Ижтимоий • Соҳа • Маданият

СУРАТЛАРДА: кичик корхонанинг ҳамда «Иссиқ нон» дўконининг кўриниши; дўкондан ҳар бир харидор ўзи истасган нон маҳсулотини харид қилади; илгор ишчи Нормуро Назаров ўз ишидан димогичоғ.

Рашид Галиев олган суратлар.

Олимпия югуриши

«КОКА КОЛА» — МУСОБАҚА БОШ ҲОМИЙСИ

КЕЧА

карнай-сурнай садолари спорт ва соғлом турмуш тарзи ишқибозларини Мустақиллик майдонига чорлади — бу ерда Халқаро олимпия кўмитасининг ташкил этилган 104 йил тўлиши ҳамда гивандалика қарши кураш халқаро кўнига бағишланган аънаванинг олтинчи БутунЎзбекистон олимпия югуриши кўни республика финал мусобақалари бўлиб ўтди.

«Кока кола» ичимлиги Тошкент ЛТД» кўша корхонасининг бош ҳомийлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси, Республика ҳисомий тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон енгил атлетика федерацияларининг ташаббуси билан ташкил этилган мусобақаларда республикамиз барча вилоятларининг ва пойтахт терма жамоалари, олимпия ўринбосари, БУСМ, ҳаваскор югурувчилар клублари, «Моржлар» комплекси чиниқш клублари, элчионалар ва хорижий ташкилотлар ходимларидан иборат 2

мигдан ортқ киши қатнашди. Республика аҳолиси ўртасида олимпия гоғлари, олимпия ҳаракати ва спортнинг ижтимоий қадриятлари, Ўзбекистон аҳолисини соғломлаштириш югуришига оммавий равишда жалб этиш каби максдаларни қўлаб уюштирилган мусобақалар жуда файзли ва уюшқоқ билан ўтди. Иштирокчилар 14—15 ёшли ўсмирлардан тартиб, то 70 ёшдан юқори эркак ва аёллар ўртасида жами 14 та ёш тоифасида бир олимпия миласи (1609,3 метр) масофага югуриб, ўз куч-имкониятларини синаб кўрдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда спортнинг ривожига катта ҳисса қўшаётган, ҳусусан, шу йилнинг ўзида «Наврўз» югуриши, теннис бўйича Челленжер аёллар турнири, Дэвис кубоги мусобақалари, баскетбол бўйича халқаро аёллар турнирларини ўтказишга ҳомий сифатида ўз улушини қўшган, баскетбол федерациясини оталиққа олган «Кока кола» ичимлиги Тошкент ЛТД» кўша корхонаси, республика кўйроч театридаги 56/152-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайдди.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кабель иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан
1998 йилнинг 22 июнидан 2 июлигача
Ш. Рашидов кўчасидаги 40, 40-в, Самарқанд кўчасидаги 7, 8, 16, 18, 20, 22, 42-в, Наврўз кўчасидаги 2, 14, 62, 64, 68, 73-в, Афросиёб кўчасидаги 5, 11-в, Хўжанд кўчасидаги 12, 12-а-уйларда яшовчи, ташкилотлар — «Туркiston» меҳмонхонаси, Санъат институти, республика кўйроч театридаги 56/152-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайдди.
Очқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» хиссдорлик жамияти.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕАЛАР, ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталарининг қўшма мажлисида «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятида бажарилиши масаласи муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ойла, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди.

• Тошкентда республика «Ойла» илмий-амалий марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

• Пойтахтимизда «Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар йўлида» мавзuida семинар ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ушбу семинар тингловчилари бўлдилар.

• Янгийўлда янги Ўзбекистон — Австрия «Ян-Вега» қўша корхонаси очилди. Бу корхонада пойабзаллар ишлаб чиқарилади.

• Ёпиқ турдаги Ўзбекистон — Германия — Люксембург «Тошкент — Ценнер» акциядорлик жамиятида хонадонларга ўрнатиладиган ҳисоблагичларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

• Кеча Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланганига икки йил тўлди.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Франциянинг энг йирик банкларида бири — Насьонал де Пари банкининг Тошкентда ваколатхонаси очилишига рухсатнома берди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда чет эл банкларининг 13 та ваколатхонаси ишлаб турибди.

• Францияда XVI футбол чемпионати ўйинлари қизгин давом этаётган кезларда ўзбек ва рус тилларида ҳар ойда чиқариладиган янги «Бизнинг футбол» журнали муштарийлар қўлига теғди.

• 26 июнда «Пахтакор» клубининг теннис кортларида биринчи халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда журналистлар, элчионалар ҳамда хорижий фирмаларнинг вакиллари иштирок этишади.

ЖАХОНДА

• Кеча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижроия кенгаши котиби Борис Березовский Минскка келди.

• Кеча Бурятияда республика президентлиги ва маҳаллий қонунчилик мажлиси депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди. Бурятия раҳбари лавозимига тўққиз номзод даъвогарлик қилмоқда.

• Ҳиндистон экин келажакда ҳар қандай босқинчини даф этишга қодир ядро потенциалини яратди. Бу ҳақда Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандес айтди.

• Боржомиде Грузия Президенти Шеварднадзе ва Жанубий Осетия раҳбари Чибировларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда грузин-Жанубий Осетия можароси бўйича яқдил фикрга келинмади.

• Хитой ва Ироқ Хитой Халқ Республикасига Эрон нефтини етказиб бериш бўйича йирик шартномани имзолади.

• Бугун Данияда Болтиқ денгизи давлатлари кенгашининг икки ҳафталик сессияси очилди.

• Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр покистонлик ҳаммасби Навоз Шарифни Ҳиндистон билан музокаралар олиб боришга чақирди.

• Канаданин Нюфаунленд вилоятида НАТО ҳарбийларининг машқлари давом этмоқда. Машғулотни ўтказишдан мақсад аскарларнинг жанговарлик санъатини оширишдир.

• Япония ҳарбий-денгиз кучларининг бир неча кемаси «Римпак-98» ҳарбий-ўқув машқларида иштирок этиш учун сафарга отланди. Ушбу тадбир июль—август ойларида Гавай ороллари ҳудудиде ўтказилади. Маълумки, мазкур ҳарбий ўқув машқлари икки йилда бир марта ўтказилади.

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироққа унинг нефть мажмуасини тиклаш учун керак бўладиган умумий қиймати 300 миллион долларлик жиҳозларни экспорт қилишга рухсат берди.

• Американин Флорида штатида рўй берган ҳаддан ташқари жазирама оқибатида ўрмонлардаги ёнғинлар тобора авжига чиқмоқда. Айрим теғралар фалокат ҳудудлари деб эълон қилинди. Бу ерга қўшимча ўт ўчирувчи ва кутарувчи бўлинмалар юборилди.

• Хитойнинг айрим вилоятларида сув тошқини ҳамон давом этмоқда. Шу кунгача бу табиий офат 324 нафар кишининг умрига зомин бўлди. Шуни-нгдек, 20 мингга яқин киши жароҳат олди.

• Афғонистонга ташриф билан борган Европа Иттифоқи делегацияси «Толибон» ислом ҳаракати етакчиларини ҳарбий қарама-қаршиликларни тўхтатишга ва музокаралар столига ўтиришга даъват этди.

• 23 июнь кун Козогистондаги Бойқўнғир космодромда Чилининг биринчи суный йўлдоши — «Фасат-браво» фазога учурилади. Мутахассисларнинг айтишича, 50 килограмм оғирликдаги суный йўлдош озон қатлами таркибини ўрганиш ва икким ўзгаришларини кузатишда фойдаланилади.



ПЕШҚАДАМЛАРИНГ ҒАПАБАЛАРИ



Футбол бўйича Францияда ўтатган жаҳон чемпионатида гуруҳларда жамоалар иккинчи учрашувларни ўтказишди.

Дастлаб Испания — Парагвай беллашуви 0:0 ҳисобида тугади. Нигерия — Болгария учрашуви эса анча қизиқарли ўтди. 27-дақиқада нигериялик Виктор Икпеба киритган тўпдан сўнг Африка футболчилари олдинга чиқиб олишди. Иккинчи бўлимда болгарларнинг ишонган «тоғ-лари» — Костадинов-Стойков-Балаковлар ҳужумга зўр беришларига қарамай ҳисоб ўзгармади.

Бельгия — Мексика баҳсида европалик футболчилар икки марта ҳисобда олдинда бўлган бўлсалар-да беллашуви 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа билан тугади. Хорватия — Япония ўйинида эса 1:0 ҳисоби қайд этилди.

Голландия — Корея баҳсини ҳеч ким бундай йирик ҳисобда тугашини кутмаган бўлса керак. Улар голландияликлар бу гал майдонда жуда эркин ва ҳуқуқдор рўҳда ҳаракат қилишди. Шу тахлит биринчи бўлим улар фойдасига 2:0 ҳисобида яқунланди. Иккинчи таймда Бергкамм, Ван Ходдек ва Роналд де Бурлар киритган тўплардан сўнг таблода 5:0 ҳисоби пайдо бўлди. Ишқибозлар голланд футболчиларини майдондан қарсақлар билан кузатиб қолишди.

КЕЧА

бири-бирдан қизикарли учта учрашув бўлиб ўтди. Аргентина — Ямайка ўйинида 3:1-дақиқада Маредоннинг издоши ҳисобланаётган Ортега ҳисобни очди. Биринчи тайм-

нинг охирида ямайкалик футболчининг майдондан чиқариб юборилиши аргентиналикларга айниқса, қўл келди. 55-дақиқада Ортеганин ўзи ҳисобни оширди. Сўнг гал тахрибали ҳужумчи Батистутга келди, 72 ва 79-дақиқаларда у иккита тўп киритиб, ҳисобни 4:0 га етказди. Ўйин охирида белланган наълитини ҳам қойиллатиб бажарган Батистута жаҳон чемпионатидаги илк «хет-трик»нинг соҳиби бўлди ва тўртта тўп билан ҳужумчилар баҳсида олдинда бормоқда.

Югославия — Германия учрашувини эса мутахассислар чемпионатнинг энг яхши ўйинларидан бири сифатида баҳоладилар. Биринчи бўлим қутилмаганда 1:0 ҳисобида югославлар фойдасига ҳал бўлди. 54-дақиқада Драган Стойкович ўнг канотдан чиқарилган тўпни дарвозабон қўлидан чиқариб юборган, иккинчи бор гол ўришга муваффақ бўлди — 2:0. Майдонга 37 ёшли тахрибали ярим юмоччи, жаҳон чемпионатларида 22 бор майдонга тўшиб ўзига ҳос рекорд ўрнатган Л. Маттеус тушгач, немислар ўйинида кескин бурилиш юз берди. 73-дақиқада немислар жарима тўпини тепаганларидан сўнг тўп ҳимоячилар оёғига теккан ҳолда дарвоза тўрига тушди — 2:1. Шундан сўнг «немис машинаси» тўла қувватга тушиб кетди. 80-дақиқада Оливер Бирхоф ҳисобни тенглаштирди ва шу натижа ўйин охиригача ўзгармади.

Эрон — АКШ ўйини 2:1 ҳисобида тугади. Шундай қилиб, Бразилия, Франция, Нигерия ва Хорватия футболчилари мундтабдан олдин нимчорак финалга йўлланма олишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

ОБУНА — ЙИП БУЙИ

мак, «Оқшом»ни шу йилнинг август ойидан олиш иш-тибқиде бўлсангиз, Сиз унга обунани 10 июлга қадар расмийлаштиришингиз керак.

Яна шунинг ҳам эслатиб
Абонент қутисига
• 1 ойга — 129 сўм
• 3 ойга — 387 сўм
Уй манзилига
• 1 ойга — 168 сўм
• 3 ойга — 504 сўм
НАШР ИНДЕКСИ — 209.



Маълумки, ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар Сиз «Тошкент Оқшомига» азиялишингиз ва уни шундан кейинги ойдан бошлаб олишингиз мумкин. Де-

Республикамиз ик-тисодиётини юксалти-ришда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган кўшма корхоналарининг ҳам ўзига яраша улуши бор, албатта. Ана шундай жамоалардан бири «Лантех-ник Тошкент» Ўзбекистон — Германия кўшма корхонасидир.

Замонавий технология билан жиҳозланган ушбу корхонада янгилликка интилувчан, бозор талаби-

ни чуқур ўзлаштирган му-тахассислар меҳнат қили-шади. Шу боис бўлса ке-

галла ўришга ҳам мослаш-тиришди. Озуқабоп экинлар-ни ўришга мослашган бу

Ўзгартирилган комбайнлар-нинг бир туркуми айни кун-ларда Сирдарё гагалакорла-рига тортиқ этилди. Яқин кўнларда эса Жиззах вилоят-и деҳқонлари ҳам янги комбайнларга эга бўлиша-ди.

Янги комбайнларнинг ўзига хос хусусияти шун-дан иборатки, улар шун-дай мослаштирилганки, бир вақтнинг ўзида ўзгар-тирилиб, ҳам хашак, ҳам галла йиғиштириб олиш-да фойдаланиш мумкин.

Шоҳида БОБОЕВА.

ЯНГИЛИККА ҚЎЛ УРИЛДИ

рак, уларнинг сай-ҳара-катлари ўз самарасини бермоқда.

Яқинда кўшма корхонада яна бир янгилликка қўл урил-ди. Қисқа вақт ичида улар «Морал-125» комбайнларини

комбайнларда эндиликда галлани ҳам йиғиштириб олиш мумкин бўлди. Бунинг учун корхона ахли бор имко-ниятлардан фойдаланиб, ор-тиқча сарф-харажат қилиш-га имконият туғдирмадилар.

Саноат

Мамлакатимиз аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлидаги сай-ҳаракатларга пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Нон-паста» хис-сасдорлик жамияти меҳнат ахли ҳам ўз хиссаларини қўшиб учун изланиб, имко-ният топмоқдалар.

Бу корхона биринчилардан бўлиб, Италия технологияси асосида макорон ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Эн-диликда эса корхонада яна бир яхши ишга қўл урилмоқда. Улар картошкадан оғизда эриб ке-тадиган чипс (қовурилган картош-ка)ларни чиройли халтаче-ларда тайёрлашни йўлга қўйиш ниятидалар. Шу билан бирга жамоа ахли ўзининг аввалги маквеини тиклаб, Марказий Осиё давлатларида ҳам махсу-лотларини сотишни режалаш-тирмоқдалар.

— Бизнинг жамоамиз ҳам пойтахтимиздаги кўпчилик кор-хоналар қатори бозор шароит-ига мослашиб, унинг ўзига хос синовларидан муваффақиятли ўтишга бутун куч-гайратларини сарфламоқда, — дейди хисса-дорлик жамияти раиси Фарход Маликов. — Биз фақат сифат-



Тошкентда тайёрланган

Оғизда эрийдиган маҳсулотлар



ли, яъни харидор талабига жа-воб берадиган, шу билан бир-га рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга катта эъти-бор бераётганимиз ўз самара-сини берапти. Айни кўнларда ишлаб чиқараётган макорон, нон ҳамда киндолат маҳсулот-ларимизнинг 70 фоизини ўз хом ашёларимиз хисобига тайёрлаётимиз. Тўғри, эски да-стхотлар билан янги турдаги маҳсулотлар яратиб бўлмайди. Шунинг учун ишни бир маро-мда олиб бориш билан бирга янги дастхотлар сотиб олиб ўр-натишга, бу техникани бошқа-радиган малакали кадрлар тайёрлашга ҳам асосий эъти-борни қаратганимиз.

Корхона маҳсулотларига буюртмалар етарли, уни сифат-ли қилиб яратиш эса жамоа ишчи-хизматчилари қўлида.

— Корхонамизда муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди Фарход Маликов сўзидан давом этиб. — Уларни бартараф этиш йўлла-рини излаётимиз. Айниқса, мах-сулотларимизнинг харидориги кўринишда кадоклашмиш зар-ур. Хозирда ана шу нарсга эътибор қаратилмоқда.

Корхонанинг ўтган йилги ютуқлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, албатта, натижалар сай-ҳаракатларга яраша бўл-ди. 40 миллион сўм фойда олинди. Ҳар бир акция учун 645 сўмдан дивиденд тўланди. Фойданинг бир қисми эса иш-лаб чиқаришни ривожланти-ришга сарфланди. Акционерлар-нинг ўз улушларига эга бўлиш-лари уларнинг мулка бўлган му-носабатига таъсир кўрсатиб, иш-ларга унум бахш этди. Чунки улар меҳнатлари мевасидан бах-раманд бўлишмоқда.

Ҳар бир йилимизнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жо-рий йилда эса оилаларимиз-нинг фаровонлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки фаровонлик уларнинг дастур-хондаги тўқилиш билан боғ-лиқдир. Корхона ахлининг ҳам бу борада ўз иш режалари, ях-ши ниятлари бор. Улар ҳам чет эл сармоясини жалб этишга алоҳида аҳамият бериб, «С. Ис-тобейшев» деб номланган ликтейштейн фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда-лар. Яқин кўнларда улар билан

биргаликда кўшма корхона очиб режаланган.

Бу кўшма корхонада юқори сифатли вафли, печенье, «чи-пс»лар ишлаб чиқарилади. Айниқса, «чипс»лар ишлаб чиқариш технологиясига кўра улар турли хил картошка, гуручли, бугдойли, жўхорили унлардан тайёрланади. Бундай хом ашё-нинг ўзимизда йўқлиги туфайли корхона бундай «чипс»ларни та-

вақт ўтмай эса шахримиз дўко-нларида унинг сифатли ва кўркам кўринишли маҳсулотларини хари-дорлар севиб харид қилишса, ажаб эмас. Бугунги изланишлар, сай-ҳаракатлар шундан далолат бериб турибди.

Шарифа ИЛЕСОВА.
СУРАТЛАРДА: корхонанинг катта технология Ирина Воронее-ва ўз ишини пухта билади; жа-моада ишлаб чиқарилаётган ма-



бий картошкадан ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқчи. Кўшма корхонанинг очилиши 50 на-фар кишини иш билан таъмин-лаш имкониятини ҳам беради. Айни вақтда эса кўшма корхо-на учун зарур янги технологиялар-ни келтиришга киришилмоқда. Қўп

карон маҳсулотлари; макорон ишлаб чиқариш жараёни ко-мьютерлар орқали амалга оширилади, оператор Дилноза Ҳасанова эса бу ишни моҳир-лик билан ундайлади.

Рашид Галиев олган суратлар.

Аҳолига қулайлик

ИССИҚЛИК ҚУВУРИ ЁТҚИЗИЛДИ

Миробод туманининг Госпитал мавзесида ҳам қатор янги турар жойларнинг қад ростлаши бу уйларда яшовчи аҳолини иссиқ сув ва киш кўнларида иссиқлик билан таъминлашни ҳам эътиборга олиш лозимлигини кўрсатди.

Ана шу мақсадда пойтахтимизнинг Аф-росиёб кўчасида 1,5 километр узунликдаги иссиқлик қувури ётқи-зилиб, мавзе аҳолисининг иссиқ сувга бўл-ган талаби тўла қондирилди. Иссиқлик қу-вурини жуда қисқа муддат-да ишга туширилди. Бу ишни амалга ошириш-да «Тошмуҳандискури-лиш» трестига қараш-ли 8-қурилиш бошқар-маси қурувчиларидан 53 нафари 2 сменада баракали меҳнат қи-лишди.

— Бу иссиқлик қу-вурининг ётқирилиши, — дейди бошқарма бош муҳандиси Мурод Нор-хўжаев, — мавзеда яшовчи хонадонлар аҳ-лини мамнун этиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам бу ерда меҳнат қилган қурувчиларимиз зиммалариданги масъу-лиятни сезган ҳолда тез ва соз ишладилар.

Зои Зокоров ҳамда Иноят Ҳикматуллаев раҳбарлик қилган бри-гада аъзолари ўзaro ҳамжиҳатликда меҳнат қилгани яхши самара берди. Пайвандчилар-дан Шокир Абдураззо-ков, Обид Раимов, Зо-кир Абдураззоқовлар маҳоратларини ишга солдилар.

Қувур ётқириш иш-ларини амалга оши-ришда 6-механизация бошқармаси автокран-чи, экскаваторчи ва бульдозерчилари катта ёрдам бердилар. Айниқса, Сергей Ор-лов, Рифкат Кагармо-новлар техникани унумли ишлатишда на-муна бўлишди.

Вазифаларини сиф-атли ундаган бу ку-рувчилар эндиликда Тошкент метросининг Юнусобод йўналиши-даги «Файзулла Ҳў-жаев» бекати қурили-шида фаол иштирок этадилар.

Шоира ИЛҲОМОВА.

— Маҳмудхўжа ака, аввалги суҳбатларимизда фикхий мазабларнинг дунёга келиши, уларнинг усуллари, қонун-қоидалари, моҳияти ҳақида суҳбатлаш-ган, ҳанафийлик мазабларининг ўзи-га хос хусусиятлари ҳақида би-роз сўз юритган эдик. Дастлаб Имом Аъзам — Абу Ханифанинг ўзи ким бўлгани ҳақида сўзлаб бер-сангиз.

— Билимдон мударрим, зукко олим Зоҳидхон Қодиров ўзбекчага ўғирган китобда кўп нарсалар битилган.

Абу Ханифа бутун ислом оламида кенг тарқалган; фикхий мазаблар ичида атбўлари энг кўп бўлган ҳана-фий мазабларининг асоссизидир. Бу буюк имомнинг асл исмларини кўп-чилик билмайди ҳам. Аммо, ҳамма Имом Аъзам, яъни улуг имом, катта имом деб номлайди. Ҳақиқатан ҳам у киши бунга сазовор зотдирлар. Зар қадрини заргар билади, деганларидек, у кишининг қадрларини ҳам уламолар, имомлар биладилар. Имо-ни Аъзам ҳақида бошқа мазаб пеш-воси Имом Шофеъий: «Одамлар фик-ҳда Абу Ханифанинг боқиманда-ларидир» деганлар. Бошқа бир мазаб пешвоси Имом Молиқдан одамлар: «Абу Ханифани кўрганмисиз?» деб сўрашганда, «Ҳа, агар ушбу устунни тилло демокчи бўлса, ҳужжат топа оладиган одамлигини кўрдим» деб жавоб берган эканлар. Машҳур Имом Абдуллох ибн Муборак: «Фикҳда энг кучли одам Абу Ханифадир. Унга ўх-шагини кўрмадим» деганлар. Абу Ха-нифа Ироқнинг машҳур фақиҳи Имом Абу Ханифа Нўмон ибн Собит ал Куфийдир.

Абу Ханифа ўзи туғилган жойи, Кў-фа шаҳрида олим ва фозил инсон-лар орасида воёга етди. Ўз замона-сида халқ орасида обрў ва эътибор қозониб, донги чикди. Аз-Заҳабий айтдики: «Абу Ханифа етук фақиҳ бўлиш билан бирга ибодатда, тақ-вод, саҳаватда ҳам машҳур эдилар. У давлат томонидан берилмаган му-кофотларни қабул қилмас, балки ўзи-нинг пешона теридан тоғлан мабла-ғидан хайру эҳсон қиларди».

Ибн Халликан айтди: «Абу Ха-нифа кўркам юзли, ўрта бўйли, ширин-сухан, ўта саҳаватли, дўстларига ши-ринсўз киши эдилар».

Абу Ханифанинг шоғирди ибн Му-борак айтдики: «Абу Ханифа чи-ройли юзли, кийими ўзига ярашган эдилар».

Фарзанди Ҳаммод Абу Ханифа ҳа-қида шундай дейди: «Волидим узун бўйли, бугдойранг, келишган, чи-ройли юзли ва ҳайбатли зот эдилар, биров бирон нарсаси сўраса шунга яраша жавоб берад ва ортиқча сў-зламас ҳамда беҳуда сўзларни гапир-мас эдилар».

Рабиъ ибн Юнус ривоят қиладики: Абу Ханифа халифа Абу Жаъфар Мансур ҳузурига кирган эди, унинг олдида ўтирган Исо ибн Мусо хали-фа Мансурга: «Бугунги кунда дунё-нинг энг етук олимни ушбу Абу Хани-фадир», — деди. Шунда Мансур Абу Ханифага: «Эй, Нўмон! Таълимин кимдан олгансан?» — деди. У айт-ди: «Умарнинг асхоблари орқали Умардан, Алийнинг асхоблари орқали Алидан, Абдуллохнинг асхоблари ор-қали Абдуллох ибн Масъуддан ол-дим, Ибн Аббос даврида ер юзидан ундан кўра олимроқ киши йўқ эди, (яъни ибн Аббос шоғирдларидан ҳам таълим олганлигини айтмоқчилар)» — деди. Шунда халифа Мансур: «Ҳақи-қатан ҳам сен ўзингга кучли ҳужжат тўплаган экансан», — деди.

Абу Ханифа ёшлигиданок Қуръо-ни Карими ёд олган, сўнгра илми калом ва мантқиқни ўқиб, бу соҳада етук илмни қўлга киритиб бармоқ би-лан саналарли уламолар қаторидан жой олган эди.

Ироқдаги ахли илмлар йирик са-ҳобалардан таълим олганлари маълумдир, улар Қуръони Каримни таржумани Ибн Масъуддан, Ис-лом умматининг алломаси ибн Аб-босдан, етук заковат ва тафқир со-ҳиб Али ибн Абу Толибдан, адалот соҳиб Рагуллохнинг иккинчи ха-лифаси бўлган Умар ибн Хаттобдан таълим олганлар.

— Шундай билимли, эътиқод-ли зот Абу Ханифа ҳазратлари-нинг устозлари ҳам забардаст олимлар бўлган шубҳасиздир...

— Имом Абу Ханифа илмий изла-нишларида аҳамият берган ва улар-нинг фатволарини чуқур ўрганган са-ҳобаи киромлар Қуръони Карим ва суннати набавия соясида мустақил тафаккур юритишга етишган, ноёб қобилиятли зотлар эдилар. Уларнинг фатволари Абу Ханифанинг илмий ривожига қанчалик ижобий таъсир кўрсатганини шундан ҳам билиб олиш мумкин. Чунки ривоят қилини-шича Имом Абу Ханифа эллик беш марта ҳақ қилишдан мақсади шу му-қаддас джерларни зиёрат қилиб ру-ҳий озика олиш билан бирга ушбу зиёрат асносида турли олимлар, шаъхлар билан учрашиб, ҳадиси ша-риф ўрганиш ва таълим олиш нияти ҳам бўлганлигини ровийлар қайд қи-лганлар. Мақсада Ато ибн Абу Рабоҳ-дан ва у ерданги таълим манбаъла-ридан машҳур саҳобий Абдуллох ибн Аббоснинг илмини ўрганди. Шунинг-

дек Абдуллох ибн Умарнинг шоғирди Имом Нофеъдан ҳазрати Умарнинг ва унинг фарзанди Абдуллох ибн Умар-нинг илмларини ўрганди. Шундай қи-либ бу буюк имом Абу Ханифа Кўфа-даги таълим манбаълари орқали са-ҳобаи киромлардан Ибн Масъуд ва ҳазрати Али илмини ва йирик тобеин-лар орқали ҳазрати Умар ҳамда ибн Аббос илмларини ўрганишга муваф-фақ бўлди.

Шулардан хулоса қилиб айтиши-миз мумкинки, Имом Абу Ханифа фи-қх илмини турли манбаълардан ўр-ганган бўлса ҳамки у ахли раъй дои-расидаги уламолардан кўпроқ таъсирланган ва шу боисдан ахли раъй уламоларининг етук намоён-даси ва шайхи бўлган.

Абу Ханифанинг замондошларидан Имом Молик ибн Анас ва бошқалар-дан ривоят қилинадики, Абу Ханифа таълим олган шайхларидан ҳар би-рининг ҳаётига назар солсангиз улар-ни илмга тўла қалъа каби ва мустаҳ-кам тоғ каби бақувват иймонли ки-шилар эканини кўрасиз. Улар ўз ил-мий ҳаётлари даврида ўзларининг ях-ши сифатлари ва хуш хулқлари би-лан машҳур бўлган кишилар эдилар. Уламолар барчаси уларни адалотли, тақводор ва ҳаётдаги ўзгаришлардан таъсирланмайдиган мустаҳкам ақида

Эътиқод сабоқлари

ТАФАККУР ШУЪЛАЛАРИ

Учинчи суҳбат

Халқаро Ислом тадқиқот маркази мудири, фалсафа фанлари доктори Маҳмуд-хўжа НУРИТДИНОВ билан мусоҳаба.

соҳиблари эканликларини қайд этган-лар. Ана шундай зотлардан таълим олган Абу Ханифа хушхулқ, ўз шах-сий ҳаётида ҳам, ўзгалар билан му-носабатидида ҳам яхши сийрат соҳиби эди.

— Тарихдан маълумки, буюк зотлар ҳақида турли хил ривоят-лар, сифатлашлар айтади. Имо-ни Аъзам тўғрисида ҳам шундай фикр билдиргани ҳақидаги би-тиқлар кўп бўлса керак?

— Шунки қайд этиш лозимки, ҳар даврда ва ҳар жойда етук олим, кў-за кўринган, обрўли одамларнинг ўзига яраша тарафдорлари, қўлаб-қувватлагувчи мухлисари бўлиши би-лан бирга бўлган кишиларни кўра олмайдиган, ҳасад ила гина ва адо-ват қилиб юргувчи кимсалар ҳам бў-лиши табиий ҳолдир. Имом Абу Ха-нифа ҳам бундан ҳоли бўла олмади-лар. Чунки у киши ҳам икки гуруҳ-биринчиси у кишини ўта ортиқча хур-мат қилиб унга муҳаббат қўйган си-нф ва иккинчиси, у кишига ҳасад қи-либ, уни кўра олмайдиган тоифадаги одамлар орасида қолдилар...

— Халқимизда «Шоғирдсиз ус-тоз — мевасиз дарахтир» деган нақл бор...

— Абу Ханифанинг устозлари — шайхларининг барчасини ҳисоблаб, аниқ адалларини билиш қийин бўл-ганидек, унинг шоғирдлари ва ундан таълим олганларнинг ҳаммасини аниқлаш ҳам мушкулдир. Чунки Абу Ханифа билан доимий равишда бир-га бўлиб таълим олган хос шоғирд-лари ва у кишидан таълим олган то-либи илмлар шу қадар кўпки, бу қа-дар адалдаги шоғирдлар Абу Ха-нифадан аввал ўтган имомларда ҳам, унга ҳамаср бўлган ва шунингдек ун-дан кейин ўтган имомларда ҳам бўл-маган. У буюк имомдан ниҳоятда кўп одамлар таълим олган, ундан кейин эса шоғирдларидан таълим олганлар. Абу Ханифанинг таълим берадиган махсус мадрасаси бўлиб, унда таъ-лим олган шоғирдлари ўз замонаси-нинг етук пешволари. Абу Ханифа-дан сўнг эса уламоларнинг устозла-ри бўлиб етишдилар.

Абу Ханифанинг етук шоғирдлари қуйдагилардир. Абу Ханифадан таъ-лим олган, унинг энг етук шоғирдла-ридан бири Абу Юсуф Ўқуб бўлиб, у Хорун ар-Рашид даврида қозилик вазифасида ишлаган. Яна етук шо-ғирдларидан бири Имом Мухаммад ибн Ҳасан Шайбонийдир. Бу киши ўз навбатида Имом Абу Ханифадан ол-ган бarcha илмини Имом Шофеъига таълим берган. Абу Ханифанинг бу икки етук шоғирдлари у кишидан кей-ин, унинг хайри ишларини давом эт-тириб, ўз замонасидаги олимларга устозлик қилдилар. Тарих бу икки етук шоғирднинг исмини ўз устозла-ри Абу Ханифа билан доимо бирга зикр қилинишни насиб этган. Абдул-ҳалим Жунидий ўзининг «Абу Ханифа озодлик қахрамони» номли китобида айтдики: «Бу икки шоғирд, Абу Юсуф ва Мухаммадлар Абу Ханифанинг етук шоғирдларидан бўлиб, улар та-риҳда Абу Ханифанинг асхоблари деб машҳур бўлганлар».

Абу Ханифанинг кўзга кўринган, етук шоғирдларидан яна бири Зуфар ибн Ҳузайл эдилар. У киши ҳадисга

мухассис бўлиб, ҳадисларни сара-лашга ниҳоятда моҳир эдилар. Бирон масалага далил сўралса тўхталмас-дан, дарҳол далил келтириш қобили-тига эга эди. Ҳасан ибн Зийд ал-Лў-луй, Абдуллох ибн Ал-Муборак, Асад ибн Умар Баҳмий, Довуд ат-Тоий син-гари шоғирдлари буюк алломалар бў-либ етишдилар.

— Маҳмудхўжа ака, ҳар бир улуг зот нафақат сўзида, балки ишида ҳам ўзгаларга ибрат бўлиши та-биий. Имом Аъзам ҳам шундай зотлардан биридир. Ҳанафийлик-нинг ниҳоятда мўътадил эканли-гига мисоллар келтирсангиз.

— Аллох Таоло ўзининг сеvimли бандалари бўлган ахли илм, тақволи одамларни бу фойи дунёда бошла-рига турли мусибатлар, қийинчилик-лар юбориб имтиҳон қилишни ирода этган. Ҳуқуд тақвод, дину диниёнда мустаҳкамроқ бўлган бандалар кўп-роқ имтиҳон қилинадилар. Абу Ха-нифа ана шундай бандалардан эдилар. Унинг ҳам бошига турли мусибатлар тушиб, қалтакланиб, қамалиб, ўлди-риш билан таҳдид қилиниб имтиҳон қилинди. Буларнинг барчасига у ки-ши сабр қилиб то вафот этгунига қа-дар тақвосини қўлдан бермай дунё-дан кўз юмдилар.

Юқорида билганимиздек Имом Абу Ханифа барча имомларнинг пешво-си, фақиҳларнинг устози, Имом Шо-феъий таъбири билан айтганда бар-ча одамлар фикҳда унинг боқиман-далари бўлган зот эдилар. Аллох Тао-ло у кишига ноёб заковат, етук ақл, ўткир фикр ато этган бўлиб, у ҳар бир ишни чуқур таҳлил қилар, ҳеч кан-дай илак-шубҳага урин қолмайдиган даражадаги аниқ ҳужжат ва далиллар асосида ҳукми чиқарадиган зот эди-лар. У кишининг илми бутун оламга ёйилиб, олимлар ҳам, халқ ҳам унинг таълимотини зўр эътибор ва очик кўн-гиллик билан ўрганиб келмоқдалар.

Намуна сифатида юртдошимиз ҳаз-рати имом Абу Мансур Мотурудий ва аш-Шайх Абул Ҳасан Ал-Ашъарий таълимотига, Имоми Аъзам Абу Ха-нифанинг «Ал фикҳул ақбар» қити-бога асосланган «Ахли суннат валжа-моат асосида» китобидан баъзи ма-салаларни куйида келтирамиз.

— Ҳар қандай мўминни яхши деб билмоқ керакки, хайр ва шарр (яхшилик ва ёмонлик) Аллохдан-дир ва бу ҳақдир. Жаброил алайҳис-салом иймон ҳадисини охирида бун-дай деган: «Шубҳасиз қадарнинг (тақ-дирнинг) яхшилиги ҳам Аллохдандир». Банда ибодатлар ва яхшиликлар қи-лган пайтида бу Аллохнинг тақдир бил-лан бўлаётганини билиб, шукр айти-ши керак. Айб, қабоҳат ва гуноҳ иш-лар қилиб қўйган вақтида, буни ҳам рози бўлмаган бир тақдир деб, ишо-ниб, дарҳол таъба қилмоғи лозим.

— Ҳеч бир мўминга ноҳақдан ку-рол, қилми қўтармаслик. Зеро ҳаз-рати, пайғамбаримиз: « Қотил ҳам, мактул ҳам дўзахийлар» деб уқтир-ганлар. Чунки иккиси ҳам бир-бири-ни ўлдириш қасдида бўлади.

— Иймон бандаларга Аллохнинг атосидир. Чунки иймон Аллох Таоло ўз фазли ва раҳмати билан бандала-ридан ўзи истаганига беради. Иймон-даги иқдор, яъни қалб билан тасдиқ этиб, тил билан иқдор қилмоқ бандан-нинг феъли бўлиши билан яратилган-дир. Бинобарин ҳеч қайси банда бош-ка бандани иймонсизликда айблашга ҳаққи йўқдир.

— Майитлар тирикларнинг дуо-сидан, садақа-эҳсон ва ҳажларидан фойда олмайди. Бунга яхши билмоқ лозим. Мўминлар, иймонли ҳамда вафот этган ота-оналар ҳақида қилинган дуолар, садақалар, хайрлар, ҳажлар уларга етади. Уларга ҳар за-монда Қуръон ўқиб, қилинган хайр-лар савобидан уларга ҳақда қилмоқ на-қадар чиройли ишдир. Ваҳобийлар наздида эса майитларни зикр этиш кўфр ҳисоблангани ҳеч қандай инсо-ни мезонларга тўғри келмаслиги яна шунга эътибор масала мисолида яқ-қол кўзга ташланади.

— Авлиёларнинг қароматлари ҳақдир деб қабул этмоқ керак. Кимки авлиёларнинг қароматини инкор этса, у ахли суннатдан таш-қарида ҳисобланади. Имом Аъзам ақидасига кўра Қуръоннинг «Намл» сурасида Сулаймон ассяйхиссалом-нинг вазир авлиё Осаф ҳақида га-пирилади. Сулаймон қавмидан авлиё бўлар экан-у, Мухаммад Мустафо ум-матидан бўлмас эканими?

Агар ўқувчи эътибор қилган бўлса, Мухаммад ибн Абдулваҳҳоб ақидала-ридан бири авлиёларга ҳурмат кўр-сатишни, уларни зикр этиб, ҳақлари-га дуолар этишни бидъат ва кўфр ҳи-سوبлаган. Уларнинг қабрларини эса вайрон этишган. Бу мисоллар ҳақи-қий ислом нақадар мўътадиллигини кўрсатади, иккинчи тарафдан ваҳҳо-бийликнинг ўзи бу дин учун ёт, беғо-на бидъат эканлигини исботлайди. Юқоридаги мисоллар Ҳанафийлик на-қадар мўътадил мазаҳ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бугунги суҳбатимизга шу ерда нуқта қўйсакда, ваҳҳобийликнинг келиб чиқиши, асослари, ҳозирги кундаги кўринишлари ҳақидаги фикрларни келгуси суҳбатда давом эттирсак.

Темир УБАЙДУЛЛО
эвб олди.

- 1 -

- 2 -

- 3 -

Тошкентимиз кун сайин ўзгариб, унинг хуснига кўркамлик бағишловчи би-нолар сафи тобора ўсмок-да. Ана шундай қурилиш-лар шахримизнинг энг кен-жа тумани Бектемирда ҳам кўп-лаб топилди.

Ана шулардан бири республика-миз иқтисодиётини мустаҳкамлаш-га, рақобатбардош маҳсулотлар и

Ўзбек тарихига, бой маданият меросига эга бўлган халқимизнинг мозий анжуманини, битикларини, кийим-кечакларини тақин-чакларини ҳар жихатдан асраб-авайлаш, авлодларга етказишда музейлар алоҳида ўрин тутди.

Республикаимиз Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ана шу тарихий-маданий бойликларни асраб-авайлаш, улар аҳамиятига алоҳида эътибор қаратишга даъватидир. Чунончи, иқтисодий ислохотлар босқич-ма-босқич, жадал суръатларда олиб борилаётган айни вақтда халқнинг маънавий меросига чуқур ҳурмат қўзи билан қараш улғу ишдир.

Ўзбекистон Давлат санъат музейи директори Насиба ИБРОХИМОВА билан бўлган суҳбатимиз маъмур Фармон юзасидан олиб борилаётган ишлар ва музей фаолияти ҳусусида бўлди.

— Йўлбошимизнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда фаолият кўрсатган музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва уни мураккаб давлатимизга хизмат қила оладиган музейлар даражасига етказишга, уларнинг иш-ини бадий нуктаи назардан ҳамда моддий-техника таъминотини тубдан яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистон Давлат санъат музейи Марказий Осиёдаги энг йирик, ҳақон микёсдаги энг катта музейларнинг унлигига кириди. Унда 45 мингдан ортиқ экспонатлар сақланади. Улар Президентимиз башорат қилган келажак буюк давлатнинг буюк ўтмишидан ҳикоя қилади. Ушбу экспонатлар ичида ота-боболаримиз турмуш тарзидан ҳикоя қилувчи асарлардан тортиб ҳозирги кунимизни тараннум этувчи ажиб суратлар, ноёб манбалар мавжуд.

